

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » октября 2018 у.

№ 823

Toshkent sh.

**Давлат солиқ хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим
маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармониға мувофиқ ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобға қўйиш, уларға солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловаға мувофиқ;

Жисмоний шахс – солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларға мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилдилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишган ҳолда ўн кун муддатда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ҳудудий бўлинмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтиға ва ЯИДХПға уланишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва амалда қўлланилиши натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муурожаатларни кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан улар фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматлари кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларнинг талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.


6. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Белгилаб қўйилсинки, давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Қ. Давлетов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил ~~13~~ **13** ~~октябр~~ **октябр** даги **823** – сон қарорига
1-илова

**Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида
ҳисобга қўйиш, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил тарзда ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг Давлат хизматлари маркази ходими сўровномани чоп этади ва ариза берувчига беради. Ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз имзоси билан тасдиқлайди. Сўровномага ариза берувчи паспортининг нусхаси илова қилинади.

8. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди.

9. Сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

10. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

11. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчининг имзоси билан тасдиқлангандан сўнг, паспортининг нусхаси илова қилиниб, Давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

12. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб 1 иш соати мобайнида QR-кодли (матрик штрихли код) солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ариза берувчига (ЯИДХП ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда) электрон тарзда юборади.

13. Давлат хизматлари маркази гувоҳнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда унинг сўровига кўра Давлат хизматлари маркази ариза берувчига гувоҳномани электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этиши мумкин.

3-боб. Яқунловчи қондалар

14. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш, уларга ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат қилиш. 2. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтиш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Сўровнома шаклини тўлдириб ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа ичида 2. Аниқ вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	QR-кодли (матрик штрихли код) солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириш ҳамда уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ариза берувчига (Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда) электрон равишда юбориш.	1 иш соати ичида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Гувоҳнома келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юбориш ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш. 2. Ўзи келиб мурожаат қилганда гувоҳномани электрон ёки қоғоз шаклда ариза берувчига тақдим этиш.	1. 10 дақиқа ичида 2. Ариза берувчининг сўровига кўра

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни давлат солиқ
хизмати органларида ҳисобга қўйиш, уларга солиқ
тўловчининг идентификация рақамини бериш бўйича
давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

_____ сана

_____ рақам

**Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи жисмоний шахсларни
ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақамини олиш учун
СЎРОВНОМА**

Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:	
1. Доимий яшаш жойи (ҳудуд номи):	
1.1. Туман/шаҳар номи:	
2. Фамилияси	
3. Исми	
4. Отасининг исми	
5. Туғилган йили ва санаси	
6. Паспорт серияси ва рақами	
7. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролиги бўлмаган шахслар)	
8. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
9. Электрон почта манзили	
10. Телефон рақами	

Паспорт нусхаси илова қилинмоқда.
Ушбу сўровномада маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман.

_____ Ариза берувчининг имзоси

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 ~~Октябрь~~ даги 823-сон қарорига
2-илова

**Жисмоний шахс – солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий
тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида
маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

8. Ариза берувчи Давлат хизматлари маркази ходими ва ЯИДХП томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЭРИси мажбурий тартибда бўлиши шарт эканлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Давлат хизматлари марказлари ариза берувчилар ЭРИсини шу жойнинг ўзида олишлари учун барча зарур шароитларни таъминлашга мажбур.

9. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди.

10. Ариза берувчиларда ЭРИси мавжуд эмаслиги ёки уни олишнинг рад этилганлиги, сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

12. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчининг ЭРИси билан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб 1 иш соати мобайнида QR-кодли (матрик штрихли код) маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборади.

14. Давлат хизматлари маркази, маълумотнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда ариза берувчининг сўровига кўра унга маълумотномани электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этиши мумкин.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

17. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

18. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний шахс – солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Маълумотномани олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат қилиш. 2. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Сўровномани ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа ичида 2. Аниқ вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштириш ҳамда уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда юбориш.	1 иш соати ичида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Маълумотнома келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юбориш ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш. 2. Ўзи келиб мурожаат қилганда маълумотномани электрон ёки қоғоз шаклда ариза берувчига тақдим этиш.	1. 10 дақиқа ичида 2. Ариза берувчининг сўровига кўра

Жисмоний шахс – солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

(сана)

(рақам)

**Жисмоний шахс – солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш учун
СЎРОВНОМА**

Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:	
1. Доимий яшаш жойи (худуд номи)	
1.1. Туман/шаҳар номи	
2. Фамилияси	
3. Исми	
4. Отасининг исми	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
6. СТИР	
6. Солиқ объектининг кадастр рақамлари:	
6.1.	
6.2.	
6.3.	
...	
7. Телефон рақами	
8. Электрон почта манзили	

Ушбу сўровномада қайд этилган маълумотларнинг тўлиқ ва ҳақиқийлигини ҳамда Менга тегишли барча солиқ объектларининг кадастр рақамлари тўғри кўрсатилганлигини тасдиқлайман.

**Ариза берувчининг
электрон рақамли имзоси**

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “13” ОКтябрдаги 823-сон қарорига
3-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Идентификация рақами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилади”.

2. 18-банддаги “яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида” сўзлари “Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 19-банддан “унинг томонидан яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш солиқ шакли асосида Давлат солиқ қўмитасида” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 23-банддаги “солиқ органларига” сўзлари “Давлат хизматлари марказларига (рўйхатдан ўтиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилиши бундан мустасно)” сўзлари билан алмаштирилсин.